

«ТАСДИКЛАЙМАН»
РИКМИАТМЖФ (офтальмология)
директор А.А.Ахрапов

« 29 » 03 2022 йил

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалида аутсорсинг иссик овқат хизмати буйича танлов утказиш Хайъатининг

МАЖЛИС БАЁННОМА № 1

« 29 » март 2022 йил

Республика Ихтисослаштирилган Куз Микрохирургия Илмий-Амалий Тиббиёт Марказининг 2021 йил 3-ноябрьдаги 76-сонли буйруги билан тасдикланган комиссияси аъзолари куйидаги таркибда катнашдилар:

Уралов Н.О. - маслаҳат табобатхона мудири, танлов комиссиясининг раиси
Камолова С.Х.- бош хамшира хайъат йиғилиши котибаси

Комиссия аъзолари

Хамдамов О. – КУК раиси
Очилов С.В. – 1-микрохирургия бўлим мудири
Тошпулатов Б.Б. – 2-микрохирургия бўлим мудири
Иномов Д.Х. – хисобчи

Кун тартибида

1. Узбекистон Республикаси Товар хомашё биржаси, Энг яхши таклифларни танлаб олиш порталида куйидаги № 22110012053388 № 22110012053392, № 22110012051680 лотлар буйича ариза ва шикоятларни куриб чикиш.

КАРОР КИЛАДИ:

1. Узбекистон Республикаси Товар хомашё биржаси, Энг яхши таклифларни танлаб олиш порталида № 22110012053388, № 22110012053392, № 22110012053392 лотлар буйича 24.03.2022 йилда голиб аникланди ва 29.03.2022 йилгача мухокамада турган пайт хеч кандай ариза ва шикоятлар келиб тушмаганлиги сабабли “Шералимаксуссавдо” КТХФ билан шартнома тузишга карор килинди.

Хайъат раиси

Аъзолари:

Уралов Н.

Камолова С.

Очилов С.В..

Хамдамов О.

Тошпулатов Б.

Иномов Д.

№ 12 - сонли пудрат шартномаси

Жиззах ш

2022 йил 29 март

Республика ихтисослаштирилган куз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали (офтальмология)
(корхонанинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О)

номидан Низом асосада фаолияти юритувчи Ахраров А.А. (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) бир томондан (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) “Шералимаҳсуссавдо” КТХФ номидан Низом асосида фаолият юритувчи Муминов А. мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Махсулот номи	Фойдаланиш кафолат муддати (йил, ой, кун)	Ўлчо в бирл иги	Сони	Киймати	Сумма	НДС %	Суммаси
1	Аутсорсинг хизмати		ой	1	9000000	9000000	1173913	-

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 й. «30» март га кадар пудратчига зарурий лойиха-смета хужжатлари, техник харитлар таҳдим этиш мажбуриятини олади.

Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати: 2022 й. «01» январдан 2022 й. «31» январгача.

Пудратчи ишларни олдин бажариш хукукига эга (эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома кийматининг олдиндан 30 % толовни амалга оширади, колган 70 % ни хизмат курсатгандан сунг 20 кун ичida амалга оширади. Ишларни кабул килишда аникланган нухсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг колган маблакни буюртмачига узил-кесил, хисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин конуний кучга эга булади ва «31» декабр 2022 йилгача амал килади.

3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, таҳлаш хамда сахлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат

шартномаларини тузгани тугрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чикишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 1 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хакида хабарнома олгандан кейин 3 кун ичida ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва кабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аникланганда, булар хакида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини кабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хак тўлаш.

3.4. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

3.4.1. хар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга кадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўхрисидаги хабарнома олингунга кадар бажарилган ишлар кисмiga мутоносиб кисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан хамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 9 000 000 (Туккиз миллион) сўмни ташкил килади.

4.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобваракига пул маблаҳларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20 % микдорда жарима ва хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувофик кўлланади.

5. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини

бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор холатлари

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўгрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Иктисадий суд да

(Тарафлар томонидан низоларни хал этиши учун танланган)

кўриб чикишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кўшимча ва ўзгартишлар ёзма равища расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулади.

8.6. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний коидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг хакикий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома иккى нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова

Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Буюрмачи:
РИКМИАКТМ Жиззах филиали
(Офтальмология)

СТИР: 200342732

ОКОНХ: 91511

Юридик манзили: Жиззах шаҳар Маданият махалласи
А. Темур кучаси 60 уй

Телефон/факс: (72) 222-82-72 222-80-23

Хисоб-китоб хисобвараги:
100021860084017073201054006

Банки: Марказий банк
Узб. Респ. Молия в. Ягона газначилиги
МФО: 00014

Директор: Ахрапов А.А.



○. Ахрапов ○. Ахрапов Губ. №е 000684

Ижрочи:
“Шералимаҳсуссавдо” КТХФ

СТИР 205881502

ОКОНХ 71150

Юридик манзили: Ш. Рашидов т. Кулама КФЙ

Телефон/факс (99) 065-15-68

Хисоб-китоб хисобвараги:
х/п: 20208000404554615001

Банки: Халк банк Жиззах ш.

МФО 00676



Пудратчи: Муминов А.

Бошлик: Ахрапов